17. Fattouch S., Caboni P., Coroneo V., Tuberoso C.I., Angioni A., Dessi S., Marzouki N., Cabras P. Antimicrobial activity of Tunisian quince (*Cydonia oblonga* Miller) pulp and peel polyphenolic extracts – *J. Agric. Food Chem.* 2007, Feb 7, 55(3), 963-969.
18. Gheisari H.R., Abhari K.H. Drying method effects on the antioxidant activity of quince (*Cydonia oblonga* Miller) tea - *Acta Sci. Pol. Technol. Aliment.* 2014, Apr-Jun., 13(2), 129-134.
19. Gründemann C., Papagiannopoulos M., Lamy E., MerschSundermann V., Huber R. Immunomodulatory properties of a lemonquince preparation (Gencydo®) as an indicator of anti-allergic potency - *Phytomedicine* 2011, Jun 15, 18(8-9), 760-768.
20. Hamaizu Y., Yasui H., Inno T., Kume C., Omanyuda M. Phenolic profile, antioxidant property, and anti-influenza viral activity of Chinese quince (*Pseudocydonia sinensis* Schneid.), quince (*Cydonia oblonga* Mill.), and apple (*Malus domestica* Mill.) fruits - *J. Agric. Food Chem.* 2005, Feb., 53(4), 928-934.
21. Huber R., Stintzing F.C., Briemle D., Beckmann C., Meyer U., Gründemann C. In vitro antiallergic effects of aqueous fermented preparations from Citrus and *Cydonia* fruits - *Planta Med.* 2012, Mar., 78(4), 334-340.
22. Jaladat A.M., Atarzadeh F., Rezaeizadeh H., Mofid B., Mosalaie A., Farhan F., Amin G. Botanicals: an alternative remedy to radiotherapyinduced dysuria - *Complement. Ther. Med.* 2015, Feb., 23(1), 90-99.

23. Kawahara T., Iizuka T. Inhibitory effect of hot-water extract of quince (*Cydonia oblonga*) on immunoglobulin E-dependent late-phase immune reactions of mast cells - *Cytotechnology* 2011, Mar., 63(2), 143-152.

24. Lutz-Röder A., Schneider M., Winterhalter P. Isolation of two new ionone glucosides from quince (*Cydonia oblonga* Mill.) leaves - *Nat. Prod.Lett.* 2002, Apr., 16(2), 119-122.

25. Minaiyan M., Ghannadi A., Etemad M., Mahzouni P. A study of the effects of *Cydonia oblonga* Miller (Quince) on TNBS-induced ulcerative colitis in rats - *Res. Pharm. Sci.* 2012, Apr., 7(2), 103-110.

26. Mobli M., Qaraaty M., Amin G., Haririan I., Hajimahmoodi M., Rahimi R. Scientific evaluation of medicinal plants used for the treatment of abnormal uterine bleeding by *Avicenna* - *Arch. Gynecol. Obstet.* 2015, Jan 31.

27. Oliveira A.P., Pereira J.A., Andrade P.B., Valentão P., Seabra R.M., Silva B.M. Phenolic profile of *Cydonia oblonga* Miller leaves - *J. Agric.Food Chem.* 2007, Sep 19, 55(19), 7926-7930.

28. Silva B.M., Andrade P.B, Valentao P., Ferreres F., Seabra R.M., Ferreira M.A. Quince (*Cydonia oblonga* Miller) fruit (pulp, peel, and seed) and Jam: antioxidant activity - *J Agric Food Chem.* 2004, Jul 28, 52(15), 4705-4712.

29. Silva B.M., Andrade P.B., Martins R.C., Valentão P., Ferreres F., Seabra R.M., Ferreira M.A. Quince (*Cydonia oblonga* miller) fruit characterization using principal component analysis - *J. Agric. Food Chem.* 2005, Jan 12, 53(1), 111-122.

30. Silva B.M., Andrade P.B., Ferreres F., Domingues A.L., Seabra R.M., Ferreira M.A. Phenolic profile of quince fruit (*Cydonia oblonga* Miller) (pulp and peel) - *J. Agric. Food Chem.* 2002, Jul 31, 50 (16), 4615-4618.

Wojdyło A., Oszmiański J., Bielicki P. Polyphenolic composition, antioxidant activity, and polyphenol oxidase (PPO) activity of quince (*Cydonia oblonga* Miller) varieties - *J. Agric. Food Chem.* 2013, Mar 20, 61(11), 2762-2772.

ВАЖНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДА ГАЛОТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ С ЗАБОЛЕВАНИЯМИ ДЫХАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ.

Холдаралиев О. Ф.

Ферганский медицинский институт общественного здоровья

Цель исследования: Изучить значение, применение и эффективность применения метода галотерапии у больных с заболеваниями дыхательной системы.

Материал и методы: Пациенты с заболеваниями дыхательной системы были разделены на 2 группы соответственно. Первая группа-

контрольная группа включала пациентов, получавших медикаментозное лечение и проходивших лечебные физкультурные процедуры. Вторая группа - в основную группу включались пациенты, получившие медикаментозное лечение, проходящие лечебную физкультуру и галотерапию. Данное исследование проводилось в отделении пульмонологии с октября по декабрь 2023 года. В исследовании приняли участие 56 пациентов. Было изучено 26

пациентов в контрольной группе и 30 пациентов в основной группе. С целью изучения клинического и функционального состояния кардиореспираторной системы пациентов и определения эффективности проводимого лечения были проведены следующие методы обследования. Общие клинические обследования (жалобы, анамнез, объективное обследование, общий анализ крови, общий анализ мочи, ЭКГ, ИМП); спирометрия; пикфлоуметрия;

рентгенография грудной клетки; МСКТ, функциональная оценка органов дыхания (по штанге, Генчу). Результаты исследования: В настоящее время заболеваемость респираторной системой во всем мире растет день ото дня. В

Узбекистане определенная часть населения имеет заболевания этой системы. Но не все из них получили полное и правильное лечение. Это приводит к увеличению различных осложнений заболевания. Исследование показало, что из 56 пациентов 25 были мужчинами (44,64%), а 31 - женщинами (55,36%). Что касается возрастной структуры, можно предположить, что в возрасте от 10 до 30 лет их было 6 (10,71%), от 30 до 50 - 14 (25%), от 50 до 70 - 26 (46,42%), а

пациенты старше 70 лет - 10 (17,86%). 96,43% (54) пациентов имели сопутствующие заболевания в дополнение к вирусной инфекции. Установлено, что у 87,5% (49) больных - сердечно - сосудистые заболевания, у 75% (42) - заболевания пищеварительной системы, у 62,5% (35) - заболевания опорно - двигательного аппарата, у 25% (14) - сахарный диабет. У всех больных наблюдались поражения дыхательной системы различной степени тяжести. Поэтому исследовательской группе испытуемых была назначена галотерапия вместе с физиотерапевтическими процедурами. В результате у пациентов сократилось время лечения, уменьшилось количество осложнений различной степени тяжести, связанных с дыхательной системой. Спирометрия и пикфлоуметрия, проведенные в начале исследования и в настоящее время, показали улучшение показателей при сравнении тестов, при этом у пациента не наблюдалось неблагоприятных состояний. Итог: Добавление галотерапии в комплекс лечения пациентов подтвердило ожидаемые хорошие результаты. В рамках программы у пациентов наблюдалось ускорение возвращения к

активному образу жизни и сокращение времени восстановления работоспособности, уменьшение различных осложнений.

ИММУН ТУРГУНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДОРИВОР

ЎСИМЛИКЛАР

Махмудова Х. Т.

Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Табиат бизга жуда кўп табиий бойликларини инъом этганки, биз улардан кундалик турмушимизда самарали фойдаланишимиз зарур. Бизнинг юртимизда доривор ўсимликлар жуда кўп бўлиб, улардан оқилона фойдаланган ҳолда бир қатор касалликларнинг олдини олишимиз мумкин. Иммуни тизими мустаҳкам бўлган инсон ҳар қандай касаллик билан кураша олади. Қадимдан биз биламизки Хитой тиббиёти жуда кўп ноёб ўсимликларга бой. Улардан бири мамлакатда кўп асрлардан буён қўлланилиб келинаётган астрагал ўсимлигидир. Бу ўсимликни асосан кўпроқ ҳолларда илдиз қисми йиғиб олинади, чунки унинг илдизида кўплаб шифобахш даволовчи хусусиятларга эга бўлган моддалар бор. Биз астрагални чой ёки шўрвага қўшиб истеъмол қилишингиз мумкин. Астрагал иммуни тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Иммуни тет функцияларини оширишда ишлатиладиган шифобахш неъмат бу зайтун ёғидир. Зайтун ёғи бир мунча фойдали бўлиб, унинг таркибида айниқса қимматли олеин ва линолеин кислоталар, шунингдек, А, D, E, К витаминлари мавжуд. Занжабил яъни “Жаннат илдизи” деб ҳисобланувчи бу доривор ўсимликдир. Занжабилни ҳар доимо ҳатто кишда ва ёзда уйимизда бўлиши шарт бўлган доривор илдиздир. Бу хушбўй илдиз С ва В витаминларга бой бўлиб жуда фойдалидир. Таркибида ретинол бўлиб инсон организмидаги янги ҳужайраларнинг тикланишини таъминлайди. Асал билан занжабилнинг аралашмаси янаям фойдали хусусиятларини оширади. Асалнинг ажойиб мўжизаларини таърифласак бу инсонлар учун берилган неъмат эканлиги таъкидланади. Ҳадисларимизда “Унда одамлар учун шифо бордир” дейилган. Бу маҳсулот иммуни тетимиз учун тенги йўқ

ҳисобланади. Айтиш жоизки, асалнинг кимёвий таркиби ва инсон қони жуда ўхшашдир. Тоза асални турли хил турдаги ёнғоқ билан аралашмаси шамоллаш касалликларини олдини олишда жуда яхши восита ҳисобланади.

IMMUN TURG'UNLIKNI TA'MINLASHDA DORIVOR O'SIMLIKLARNING AHAMIYATI

Xoldarliyev O., Qodirxonov M.

Farg'ona jamoat salomatligi tibbiyot instituti

Jenshen ildizining tarkibida efir va yog' moylari ,qandlar,azotli va azotsiz ekstraktiv moddalar,fermentlar, B vitaminlar guruhi makro va mikroelementlar bor. Jenshen o'simligi tibbiyotda juda ko'p maqsadlarda ishlatiladi. Xususan, immunitetni mustahkamlovchi, ish qobiliyatini ko'taruvchi,organizmning chidamliligini oshiruvchi maqsadlarda ishlatiladi.Jenshen preparatlarini muntazam qabul qilgan bemorlarda charchash, toliqish,bo'shashish holatlari yo'qolgan va sog'ligi yaxshi tomonga o'zgargan. Jenshen preparatlari miодistrofiyada, qon bosimi pasayganda,gastritda, immunostimulyator sifatida virusli gepatitdan tuzalish davrida ,qandli diabetda va aterosklerozda ijobiy ta'sir ko'rsatishi manbalarda keltirilgan. Preparat,umuman olganda,terapevtik dozda nojo'ya ta'sir ko'rsatmaydi,lekin preparatni gipertoniya kasalligida va balog'atga yetmaganlarga umumiy qo'zg'alish holatlarda ,uyqusizlikda tavsiya etilmaydi.

Fitopreparatlari: jenshen nastoykasi,"BIOJENSHEN".

Jenshen nastoykasi (tincturae ginseng) 50 ml flakonda chiqariladi.ovqatdan 30-40 daqiqa oldin 15-25 tomchidan kuniga 2-3 marta ichiladi.Kurs davomiyligi 30-40 kun.

"BIOJENSHEN" nastoykasi.Biotexnologiya bo'yicha jenshen ildiz to'qimasidan "in vitro" sharoitda biomassa olingan. Ta'siri bo'yicha tabiiy jenshenga o'xshash. 50 mldan flakonda chiqariladi.30-50 tomchidan kuniga 2-3 marta ovqatdan 30-40 daqiqa oldin ichiladi.Dorivor valeriana o'simligining ta'siri ham jenshenga juda yaqin hisoblanadi.Valeriana o'simligi quruq ekstrakt,damlama,nastoyka, tomchi ko'rinishida tibbiyotda keng qo'llaniladi.O'simlik fitopreparatlari asabni qo'zg'alishi,uyqusizlik,migrenga o'xshash bosh og'riganda ,isteriyada tavsiya etiladi.Bundan tashqari nevroasteniyaning yengil shakllarida, psixoasteniyada, klimatrik o'zgarishlarda ,vegetonevrozda,yurak qon-tomir nevrozida , stenokardiya va gipertoniyaning boshlang'ich davrida ham, jigarning va o't yo'llarining ayrim kasalliklarida valeriana nastoykasi turli tinchlantiruvchi , spazmolitik,yurak kasalligida ishlatiladigan dori vositalari va dorivor o'simliklar

birga qo'llaniladi. Valeriana ta'sirida mnsning qo'zg'aluvchanligi pasayadi, tinchlantiruvchi ta'siri asta-sekin boshlanib, turg'un holda davom etadi.

ОРГАНИЗМ ИММУН ФАОЛИЯТИНИ ОШИРУВЧИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Махмудова Х. Т., Саримсокова М. Р.

Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Биз биламизки юқумли касалликлар тарқалган даврда соғлом овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш нечоғлик муҳим эканлигини англаб етдик. Витамин "А"нинг етишмовчилиги дунё аҳолиси ўртасида учраб турадиган муаммолардан бири бўлиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумот- ларига кўра, дунёда 275 миллион одамларда ушбу витаминнинг етишмовчилиги кузатилмоқда, Шундан 14 миллиони мактабгача ёшдаги болалардир. Истеъмол қилаётган маҳсулотларимизда "А" витаминининг камлиги темир танқислиги анемияси ҳам келиб чиқади ва овқат билан кўшимча темир тушишининг ижобий самарасини ўзгартиради. Баъзи ривожланаётган мамлакатларда умумий оқсил-қувват етишмовчилиги фонида болаларнинг кўп фоизида кўриш аъзоси шикастланишининг барқарор симптоми – ксерофтальмия шаклланиб, кератомальяция натижасида кўрлик ривожланмоқда Бундан ташқари, организмнинг юқумли касалликларга бўлган чидамлилиги пасайиб, шиллиқ қаватларда ўзгаришлар пайдо бўлмоқда. Таркибида каротиноидлар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг озуқа ёғлари билан аралаштирилиши ушбу витаминларнинг етиб боришини оширади, шу сабабли ҳам овқатланишда таомларни уйғунлаштириб, масалан, қирилган сабзини 10 фоизли сметана билан, сутли-қовоқли бўтқани сарёғ билан, янги сабзавотлардан помидор ҳамда чучук қалампирдан тайёрланган салатни 10 фоизли сметана билан аралаштириб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек овқатланишда тушликдаги учинчи таом сифатида ўрик, апельсин, тарвуз, шафтолини киритиш тўғри бўладики, бу санаб ўтилган маҳсулотлардаги каротиноидларнинг сўрилишини оширади. Яшил маҳсулотлардаги хлоропластлар билан боғланган каротиноидлар ушбу маҳсулотлар юқори даражада майдаланганида яхшироқ сўрилади.

ИККЛАМЧИ ИММУНТАНКИСЛИГИДА ДАВОЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ЎРНИ

Каландарова М.Х.

Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Аҳолини саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, тиббиёт сифатини ошириш да даволаш-профилактик чора тадбирларни амалга оширишда, ДЖТ ни ўрни Шифохона, шифомаскан (санаторий) ва амбулатор (поликлиника) шароитида турли касалликлар билан хасталланган беморларни даволашда, асоратларини олдини олишда ва профилактика мақсадида физикавий ва даволовчи жисмоний тарбия усулларни қўлланиш Аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ва маиший шароитларга мослашишини (адаптациясини) яхшилаш. Шифокор назоратида -жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланганлигини, организмнинг функционал ҳолатини, асосий тизимларни ҳолатини, жисмоний юкламаларнинг организмга таъсирини, организм томонидан берилаётган жавоб реакцияларини баҳолаш.

- организмга таъсир этиш механизмини, турли касалликларда даволаш, асоратларининг олдини олиш ва организмнинг қаршилигини ошириш мақсадида ДЖТ қўлланиш;
- турли касалликларда даволаш ва реабилитация даврида тўлақонли комплекс тузиб организмни соғломлаштиришда оқилона ДЖТ фойдаланиш;
- жисмоний машқларнинг организмга таъсир этиш механизмини, турли касалликларда даволаш, асоратларининг олдини олиш ва организмнинг қаршилигини ошириш мақсадида ДЖТ қўлланилиши;
- даволаш ва реабилитация даврида даволовчи жисмоний тарбиянинг ҳаракат тартиботларини, восита ва шаклларини тўғри танлаш ва қўллаш;
- аҳолининг турли контингентлари орасида, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қўниқишлари учун тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларини ўргатиш;
- аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ва маиший шароитларга мослашишини (адаптациясини) яхшилаш учун жисмоний юкламанинг организмга таъсирини баҳолаш усулларини ўргатиш.
- Организмнинг жисмоний иш бажариш қобилиятини аниқлаш усулларини, мустақил равишда соматоскопия ва антропометрияни ўтказишни, мустақил функционал синамаларни ўтказиши ва олинган натижалар асосида юрак-қон томир, нафас ва вегетатив нерв тизимларни функционал ҳолатларини баҳолашни, юрак-қон томир, нафас ва вегетатив нерв тизимларнинг берилаётган жисмоний юкламаларга

жавоб реакцияларини аниқлаш ва баҳолашни, спорт иншоотларга бўлган санитар-гигиеник талабларни, врач-жисмоний тарбия диспансерларининг турлари ва ташқил этилишини, жисмоний машқларнинг таъсир механизмини, ДЖТни қўллаш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, даволаш жисмоний тарбия воситалари ва унинг турларини, даволовчи жисмоний тарбиянинг даволаш усулларини, даволаш жисмоний тарбия шакллари, даволовчи жисмоний тарбиянинг ҳаракат тартиботларини ва даволовчи жисмоний тарбиянинг самарадорлигини баҳолаш.

IMMUN TANQISLIGIGA OLIB KELUVCHI OMILLAR

Mahmudova H.T., Ibragimova Z.J.

Farg`ona jamoat salomatligi tibbiyot instituti

Ikkilamchi immunitet tanqisligi- bakteriyalar, viruslar va zambrug`lar kabi qo`zg`atuvchilar ta`siri natijasida rivojlanadigan immunitet tizimi faoliyatining buzilishidir. Ikkilamchi immunitet tanqisligi keltirib chiqaruvchi omillar iqlim, ozuqaviy etishmovchilik ya`ni tuyib ovqatlanmaslik, tananing umumiy charchashi, bunda umumiy charchoqlar fonida barcha ichki organlarning ishi buziladi. Ko'pincha sovuq kuz-qish faslida odam toza havoda kamroq vaqt sayr qilib ko'pincha isitish moslamalari bilan isitilgan quruq haholi binolarda bo`lishi, quyosh nurlari ostida kam bo`lishi. Biz bilamizki ultrabinafsha nurlar immunitet tizimi uchun juda muhimdir. Shu paytda yangi sabzavot va mevalarning miqdorining ham kamayishi. Bizning tez-tez shamollaydigan tanamizda immunitetni mustahkamlash uchun moychechak choyini muntazam ichib yurishimiz zarur. Moychechak dorivor maqsadlarda eng ko'p ishlatiladigan o'simliklardan biridir. U yallig'lanishga qarshi ta'sirga ega bo'lgan ko'plab biologik faol moddalarni o'zida saqlaydi, masalan, efir moylarini. Moychechak gullari, ekstraktlari, quruq kukuni kurinishda ishlatiladi. Qaynatilgan moychechakni shamollashda tomoqni chayish uchun ishlatiladi. Moychechak antibakterial va tinchlantiruvchi ta`sir xususiyatiga ega va immunitet tizimini faoliyatini yaxshilaydi. Bundan tashqari shamollashni tezda bartaraf etish uchun malina, shohtut va qorag`atlardan tayyorlangan qiyom ham foydali hisoblanadi. Malinani isitmani tushiruvchi ta`siri ham mavjud. Malinada C vitaminidan tashqari, kaltsiy, kaliy, magniy mavjud. Sitrus sharbatlaridan apelsin sharbati nafaqat mazali, balki immunitet tizimi uchun zarur bo'lgan ko'plab kuchli antioksidantlar, vitamin C ni o`zida saqlaydi lekin bu sharbatni meyoridan ortiqcha qabul qilish zararli hisoblanadi. Bizning kudalik turmushimizda ichib yurgan ko`k va qora choyimiz ham bizning immun tizimimizga ijobiy ta`sir qiladi. Uy sharoitida inson immun tizimini mustahkamlash uchun muntazam ravishda piyoz, sarimsoq, limon, asal va zanjabildan foydalansa ham bo`ladi.

ODAM ORGANIZMI HUJAYRAVIY IMMUNITETIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR.

Dusmurodova X. M., Mallayeva M. B.

Samarqand davlat tibbiyot universiteti

Annotatsiya: Ushbu tezisda odam organizmidagi hujayraviy immunitet hujayralari turlari, ularning vazifasi va ularga turli omillarning shikastlovchi ta'siri keltirilgan.

Mavzuning dolzarbligi: Immun sistemasining disfunktsiyasi autoimmun kasalliklar, yallig'lanish kasalliklari va saratonga olib kelishi mumkin. Immunitet tanqisligi immun sistemasi odatdagidan kuchsiz bo'lganida yuzaga keladi, natijada takroriy va hayot uchun xavfli infeksiyalar yuqishi mumkin.

Muhokama: Immun tizim - organizm ichki muhitining sofligini, ya'ni gomeostazining doimiyligini ta'minlay oladigan a'zo, to'qima, hujayra va har xil gumoral omillar yig'indisi. Uning vazifasi, organizmdagi o'zining «antigenlarini», irsiy begona antigenlardan ajratib, ularni qayta ishlab yuborishga qaratilgan. Har bir immunologik reaksiya asosida antigenni tanish jarayoni yotadi, agar immun tizim «yot» omilni aniqlasa, darhol immun javob ishga tushadi

Immun sistemasi hujayralari 1) T-xelperlar, T-killerlar, T-supressorlar. 2) B limfositlar-> plazmotsitlar-> IgA, IgD, IgE, IgG, IgM.

Hujayraviy immunitetda antigenlar (asosan, yot hujayralar va organizmning özida hosil bo'ladigan genetik jihatdan mutatsiyaga ichirmagan o'sma hujayralar) maxsus qotillar(killer) hujayralar tomonidan o'ldiriladi va yemiriladi.

Immuntizim organizmning boshqa himoya omillaridan, birinchi navbatda reaksiyalarning maxsusligi, antitelo va limfosit turlarining ko'pligi, immunologik xotira hosil qila olish xususiyatlari bilan ajralib turadi.

Immun hujayralarni zararlovchi omillar:

fizik- ionlar, yuqori va pastki harorat, ultrabinafsha nurlari

kimyoviy-o'g'ir metallar, qo'rg'oshin(Pb), simob(Hg) antibiotiklar

biologik-bakteriyalar, viruslar, rikketsiyalar, zamburuqlar.

Xulosa. Hujayralar zararli omillar (shikastlanish yoki zararli toksik moddalar) ta'siriga uchraganida, nobud bo'lishdan oldin hujayra ichi tarkibiy qismlarini "to'kib tashlaydi". Zararlangan hujayraning plazma membranasi endi ionlar va suvning o'tishini nazorat qila olmasligi sababli hujayra shishib ketadi va uning tarkibi plazma membranasidagi teshiklardan oqib chiqadi. Bu jarayon ko'pincha to'qimadagi nobud bo'lgan hujayralar atrofida yallig'lanishni keltirib chiqaradi.

ODAM IMMUN HOLATI VA UNI BAHOLASHNING LABORATOR USULLARI

Davranova M. A., Mallayeva M. B., Raximova D. J.

Samarqand davlat tibbiyot universiteti

Annotatsiya: Ushbu maqolada odam immun holati va hozirgi kunda qo'llanilayotgan va qo'llanilishi taklif qilinayotgan immun holatni baholashning laborator usullari haqida ma'lumot keltirilgan.

Mavzuning dolzarbligi: Immunitet tizimi inson tanasining asosiy integral va tartibga soluvchi tizimlaridan biri sifatida so'nggi yillarda tibbiyotning turli sohalari va tegishli mutaxassisliklar bo'yicha mutaxassislarning qiziqish doirasiga tushib qoldi. Hozirgi vaqtda global tibbiy-ijtimoiy muammoga aylangan immunitet tizimidagi o'zgarishlarga e'tibor, shubhasiz, ushbu kasalliklarning keng tarqalganligi bilan bog'liq. Ma'lumki, 20-asrning oxiridan boshlab, barcha inson patologiyasining uchdan biridan ko'prog'i immunitet tanqisligining klinik belgilari bilan birgalikda yuzaga keladi, bu immunitet tanqisligi holatlarining rivojlanish mexanizmlarini o'rganish muhimligini belgilaydi.

Kalit so'zlar: immunitet, immunoekologik tekshiruv, so'lak testlari, plazma

Muhokama: Insonning immunitet holatini baholash zarurati allergik, autoimmun kasalliklar, immunitet tanqisligi holatlarida, immunitetning buzilgan aloqasini aniqlash va davolash usulini tanlash va uning samaradorligini baholash uchun monitoring o'tkazish zarur bo'lganda paydo bo'ladi.

1993 yilda JSST ekspertlari (PHLambert, X. Mazger, T. Miyamoto) tahlil usullarining sezilarli darajada kengaytirilgan ro'yxatini taklif qildilar, ular quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- 1) Immunokimyoviy tadqiqotlar – Ig, sitokinlar, komplement komponentlari, o'tkir faza oqsillari va boshqalarning miqdori va sifatini aniqlash.
- 2) Hujayra tadqiqotlari - LF subpopulyatsiyasi, LF klonalligi, ularning LF faolligi va sitotoksikligini aniqlash, makro- va mikrofaqar faolligini baholash.
- 3) Immunogistologik va immunogenetik tadqiqotlar - HLA tiplash, prenatal diagnostika va genetik jihatdan aniqlangan nuqsonlarning merosxo'rlikini aniqlash.

Biroq, 2-toifa immunitet tanqisligi bo'lgan bemorlarning immunitet holatini baholashda uning ko'rsatkichlarida sezilarli o'zgarishlar ko'pincha aniqlanmaydi. Shuni ham ta'kidlash kerakki, ayrim hollarda mahalliy immunitetni o'rganish periferik immunitetni o'rganishdan ko'ra diagnostika uchun muhimroq bo'lishi mumkin. Masalan, bronxopulmonar tizimning yuqumli-yallig'lanish yoki allergik kasalliklarida qon tekshiruvi, eng yaxshi holatda, immunitet

parametrlarining ba'zi tebranishlarini aniqlaydi. Shu munosabat bilan, immunoekologik tekshiruvni o'tkazishda, majburiy laboratoriya testlari to'plamidan foydalanmasdan, immunitet tizimini bir butun sifatida tashkil etuvchi asosiy komponentlarning har birini baholash uchun bitta informatsion testdan foydalanish kifoya qiladi. Bir qator mualliflar immunitet holatini baholashga metodologik yondashuvlar uchun asos sifatida past intensivlikdagi atrof-muhit omillari ta'sirida o'ziga xos bo'lmagan reaktivlikdagi o'zgarishlarni aniqlashni, shuningdek, etakchilarni aniqlashni taklif qilishadi.

Bugungi kunda immun holatni sifatli baholash maqsadida quyidagi laborator tekshiruvlar amalga oshiriladi:

immunogramma

umumiy qon tahlili

interferon holati tekshiruvi

autoimmunologik tekshiruvlar

infeksion holat tekshiruvi

Hozirgi paytda, insonning immunitet holatini aniqlash uchun ko'pincha qon ishlatiladi, unda immun komponent sifatida bir necha sinflarning zardob immunoglobulinlari mavjud. Biroq, hozirda diagnostik to'plamlar uchun so'lakdan foydalanish nisbatan yangi, rivojlanayotgan texnologiyadir. Qo'shma Shtatlarda so'lakdan foydalanishga asoslangan OIV infeksiyasini tekshirish usuli allaqachon tasdiqlangan. Alkogol va giyohvand moddalar kabi tanadagi kimyoviy moddalarning tarkibini aniqlash, homiladorlikni tasdiqlash uchun testlar ham mavjud. Bundan tashqari, so'lakda ovqat hazm qilish tizimi, o'pka, ko'krak saratoni, shuningdek, Altsgeymer, Parkinson va diabet kabi kasalliklarning paydo bo'lishini ko'rsatadigan o'ziga xos oqsillar aniqlangan.

Xulosa. Odam immun holatini to'g'ri baholash orqali ko'plab kasalliklar va ularning asoratlarning oldi olinadi. So'lak testlari odamning oqsillari va ularning o'zaro ta'siri xaritasini ko'rsatishi mumkin. Proteinlar kasallik holatini ko'rsatadigan belgilar sifatida ishlaydi. Turli xil oqsillarning, xususan, immunoglobulinlarning konsentratsiyasini aniqlash sog'liq holatini aniqlash imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Insonning immunitet holatini baholash / R.V. Petrov, Yu.M. Lopuxin, A.N. Cheredeev va boshqalar - M., 1984.
2. 1. Bykovskaya, G.N. Tibbiy immunologiya / G.N. Bykovskaya, O.S. Slepova. - M.: ACT, 2004.
3. Patologik fiziologiya / N.H Abdullayev, H. Yo. Karimov, B.O'. Irisqulov., 2008.
4. Royt, A. Immunologiya/A. Royt, J. Bro-stoff. - M.: Mir, 2000
5. Rinologiyada immunologiya, immunopatologiya va immunoterapiya muammolari / ed. USTIDA. Arefieva.-Ufa, 1997

IMMUN TURG‘UNLIKNI TA‘MINLASHDA DORIVOR MAVRAK (SALVIA OFFICINALIS L.) O‘SIMLIGI AHAMIYATI.

Umarov F. B., To‘xtarov B. E.

Samarqand davlat tibbiyot unversiteti

Annotatsiya: Bugungi kunda dorivor o‘simliklarga bo‘lgan qiziqish tobora ortib bormoqda, butun dunyoda insonlar sog‘lig‘iga alohida e‘tibor berishi, salomatlik sirlaridan xabardorligi ortishi, qarigan va surunkali kasalliklarga chalingan insonlar immun tizimini faollashtirish uchun tabiiy vositalarni afzal ko‘rishi, tabiiy vositalarning mutloq zararsizligi va foydasi ushbu sohada ilmiy tadqiqotlar soni ortib borishiga sabab bo‘lmoqda, ushbu maqolada mavrak o‘simligini immun tizimini mustahkamlashi va praflaktikasi sifatida qo‘llanish haqida so‘z borgan.

Kalit so‘zlar: mavrak, shalfey, muqaddas o'simlik

Tatqiqotning dolzarbligi - Hozirgi kunda xalq tabobati va zamonaviy tibbiyotda talaygina yangi dori vositalari va davolash usullari mavjud, ammo aksariyat hollarda biz foydalanayotgan dori turlari kimyoviy mahsulotlar bo‘lib, o‘z navbatida ular turli xil nojuya asoratlar, ya‘ni qo‘shimcha kasalliklarni chaqiruvchi vosita bo‘lib hizmat qilishini hayotning o‘zi isbotlab turibdi. Bunday vaziyatda, ko‘pincha, ilmiy tabobat xodimlari ham, aholining o‘zi ham, dori vositalardan foydalanishda ko‘proq o‘simliklardan olingan biofaol moddalarga va tabiiy mahsulotlarga e‘tiborni kuchaytirib bormoqdalar.

Kirish - Marmarak ilmiy tilda "mavrak" yoki "shalfey" deb ham ataladi. Marmarak - ko‘p yillik o'simlik yoki yarim butalar turkumi hamda yalpizdoshlar oilasiga kiruvchi o'simlik hisoblanadi. Ona vatani O'rta Yer dengizi sohillaridir. Dunyoda ushbu o'simlikning 900 turi mavjud bo'lib, bundan 97 turi Turkiyada yetishadi. Uning 51 nafari esa Turkiyadagi mahalliy ya'ni endemik o'simliklar qatoriga kiradi.

Marmarak salomatlik jihatidan mo‘jizaviy o'simlik hisoblanadi. Uning foydalarini son- sanog'i yo‘q desak adashmagan bo‘lamiz. Tibbiyotda ushbu shifobaxsh o'simlikning uch turidan foydalaniladi.

Bular Dorivor marmarak, Efiopiya marmaragi, Xushbo'y marmarak hisoblanadi. Xalq tabobatida azaldan beri turli kasalliklarga qarshi ishlatilib kelingan. Tibbiyotda bargi ishlatiladi. Tarkibida efir moyi, flavonoidlar, ursol va oleanol kislotalar, oshlovchi va boshqa moddalar bor. Dezinfeksiyalovchi va yallig'lanishga qarshi ta'sir etuvchi vosita sifatida yuqori nafas yo'llari yallig'lanishida, tomoq, og'iz va milk shilliq pardalari yallig'lanishida og'iz chayish uchun qo'llaniladi. Xalq tabobatida marmarakning yana ikki turi bor Tikanli marmarak va Cho'l marmaragi.

Ishlatilishi. Dorivor marmarak bargining preparatlari burishtiruvchi, dezinfeksiyalovchi va yuqori nafas yo'llari yallig'langanda yallig'lanishga qarshi ta'sir etuvchi dori sifatida ishlatiladi. O'simlikning bargini damlagan holda, tomoq og'riganda chayish, ishtaha ochish va isitmada tashnalikni qondirish uchun ichiladi. Mashhur hakim Gippokrat marmarakni "muqaddas o'simlik" deb atagan.

Dorivor preparatlari. Damlama. Marmarak bargi tomoq, ko'krak, yuqori nafas yo'llari yallig'lanishi, me'da kasalliklarida va ich ketishiga qarshi ishlatiladigan yig'malar - choylar hamda bronxoletin preparati tarkibiga kiradi. Marmarak bargidan Salvin dorivor preparati olinadi. Uning suvdagi yoki natriy xloridning izotonik eritmasidagi 0,1 va 0,25%li eritmaları og'iz bo'shlig'idagi surunkali yallig'lanish kasalliklari (gingivit, stomatit, parodontoz), yiringli, tropik va suyaklarning oqma yaralarini davolashda qo'llaniladi.

Inson salomatligi uchun juda ko'p foydalari bo'lgan bu o'simlikni haddan ziyod iste'mol qilish ham ba'zi xavotirlarga sabab bo'ladi. Masalan; homilador ayollarga marmarak choyini iste'mol qilish tavsiya qilinmaydi. Shuningdek, diabet kasalligiga qarshi davolanayotgan bemorlar ham choyini iste'mol qilar ekan, ehtiyot bo'lishi zarur. Turkiyada marmarak o'simligi choy sifatida iste'mol qilinadi. Turklar bu choyni "adachayi" deb ataydilar. O'simligining barglari esa, turli xildagi salatlarga, baliqli taomlarda xushbo'y xid berishi uchun ishlatiladi. Marmarak tarkibida mavjud bo'lgan efir moyidan dorishunoslik amaliyotida suyuq dori shakllarining hidi va ta'mini yaxshilashda foydalaniladi.

Ajinlar va teri qarishiga qarshi kurashda barcha vositalar ham birdek yaxshi, faqat ularning xavfsiz ekanligi muhim shart hisoblanadi. Shuning uchun sizga tabiiy va sinovdan o'tgan vositalarni tanlashni tavsiya etamiz. Masalan Mavrak (shalfey) yog'i.

O'RVI KASALLIGIDA INFEKSIYAGA QARSHI PROFILAKTIK CHORA-TADBIRLAR

Mahammadiyev B.F., Ibragimova F.Ch, Mamarasulova N.I.

Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti

Annotatsiya: O'tkir respirator virusli infeksiyalari bilan kasallanganlar og'iz bo'shlig'i va nafas yo'llari shilliq pardasida ko'paygan ikkilamchi patogen bakteriyalar bir necha haftalab, ba'zan bir necha oylar kasallikning cho'zilishiga sabab bo'ladi. Ushbu tezisda gripp, adenovirus infeksiyasi va yuqori nafas yo'llari shilliq pardasiga zarar yetkazadigan virusli infeksiyalarning organizm uchun ko'rsatadigan patogen ta'siri va kumulyatsiya xususiyatlari, ularni oldini olish uchun chora-tadbirlar ishlab chiqish bayon etilgan.

Kalit so'zlar: shilliq parda, adenovirus, paramiksovirus, laringit, bronxiolit, og'iz bo'shlig'i, sarimsoq piyoz, virus, infeksiya, kandida, agemolitik stafilakokk, streptokokklar

Hozirgi kunda Respublikamiz hududida mavsumiy kasallik bo'lib, bu kasallik etiologiyasida gripp, paragripp, adenovirus, RS-virus kabi yuqori nafas yo'llarini zararlovchi virusli faktorlar ishtirok etadi. Ko'pincha shamollashni gripp bilan adashtirishadi, ammo O`RVI gripp kabi xavfli emas (grippni davolash kechiktirilsa, o`limga olib kelishi mumkin). Ammo vaqtida davolanmagan shamollashning ham ba`zi asoratlari bor:

- bronxit;
- laringit;
- rinit;
- zotiljam;
- faringit va boshqalar.

Tadqiqot maqsadi: O`RVI kasalligi va boshqa yuqori nafas yo'llarini zararlovchi virusli infeksiyalarga qarshi kurashishda bir qancha profilaktik choralar mavjud, ammo bu usullarning barchasi ham doim ijobiy natija bermasligi mumkin. Shu maqsadda bir guruh talabalar o`rtasida izlanish-tadqiqot ishlari olib borildi.

Materiallar va usullar: O'tkir respirator virusli kasalliklari bilan kasallangan 34ta talaba (tajriba guruhi) va kasallanmagan 37ta talaba (nazorat guruhi) nafas yo'llaridan steril tamponlar yordamida surtma olinib, 1%li shakarli agar, 3%li qonli agarli muhitlarga (nazorat) hamda sarimsoq piyoz fitonsidi ta'sirini o'rganish maqsadida sarimsoq piyoz shirasi tomizilgan oziqa muhitlariga ekildi. Termostatda 37⁰C da 1sutka o'stirilgandan so'ng ular qiyosiy o'rganildi. Surtmalar tayyorlanib Gramm usulida va metil ko'ki bo'yog'i bilan bo'yalgach mikroskop ostida ko'rildi

Tadqiqot natijalari: O`RVI bilan kasallangan talabalar so'lagi ekilgan, sarimsoq piyoz shirasidan holi oziqli agarda oq, sariq va tillarang stafilokokklar, gemolitik streptokokklar (hamda pnevmokokklar), kandida va boshqa shartli patogen mikroblar ko'p miqdorda o'sib chiqdi. Sog'lom talabalar so'lagidan olib ekilgan oziq muhitlarda kam miqdorda agemolitik stafilakokk, streptokokklar, ko'plab peptokokklar va diplokokklar, achitqisimon zamburug'lar o'sib chiqdi. Oziq muhitning sarimsoq piyoz shirasi tomizilgan qismida esa bu bakteriyalar o'sib chiqmadi va tiniq maydon hosil bo'ldi.

Xulosa: Bugungi kunda eng dolzarb muammoga aylanib borayotgan nafas olish sistemasining virusli infeksiyalari ko'p jihatdan ob-havo, ovqatlanish va boshqa bir qancha gigiyenik faktorlarga bog'liq bo'lmoqda. Shular jumlasidan: ovqat ratsioniga sarimsoq piyoz qo'shish va ovqatlanayotganda va ovqat tayyorlashda qo'l gigiyenasiga rioya qilish, mato ro'molcha ishlatmaslik, bir martalik qog'oz salfetkalaridan foydalanish, o'zingiz foydalanadigan idish-tovoqlarni ajratib olish, o'tkir respirator infeksiyaga chalingan bemor bilan bilan muloqot qilmaslik va organizmni chiniqtiruvchi jismoniy mashqlar bilan ko'proq shug'ullanish lozim.

Foydanilgan adabiyotlar.

- 1.ИндиаминовС. И., Расулова М. Р., Мардонов Т. М. Механизм повреждений подъязычной кости и хрящей гортани при различных воздействиях //Судебная медицина. –2019. –Т. 5. –No. S1. –С. 161-161.
- 2.Индиаминов С., Расулова М. Критерии оценки степени тяжести повреждений носа //Журнал вестник врача. –2019. –Т. 1. –No. 1. –С. 36-40.
- 3.Одилова Г. М., Шайкулов Х. Ш., Хусанов Э. У. Ультраструктура слизистой толстой кишки у больных острой дизентерией //Астана медициналык журналы. –2022. –No. S1. –С. 62-68.
4. <https://med24.uz/uz/bolezni/orvi-orz-prostuda>
5. <https://uzresearchers.com/index.php/ijrs/issue/view/29>

ALOY O'SIMLIGIDAN FERMENTLANGAN SHARBAT TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH VA UNING BIOLOGIK FAOLLIGINI O'RGANISH

Abdurazzoqova H.G'

Samarqand Davlat Tibbiyot Universiteti

Dolzarbliqi. Tabiat bizga juda ko'p tabiiy boyliklar in'om etganki, biz ulardan kundalik turmushimizda samarali foydalanishimiz lozim. Bizning yurtimizda dorivor o'simliklar juda ko'p bo'lib, ulardan oqilona foydalangan holda bir qator kasalliklarning oldini olish mumkin. Immun tizimi mustahkam bo'lgan inson har qanday kasallik bilan kurasha oladi.

Maqsad. Aloe o'simligidan fermentlangan sharbat texnologiyasini ishlab chiqish va uning biologik faolligini o'rganish

Usul va uslublar. Biologik faol moddalarning hosildorligini oshirish uchun xom ashyoni fermentatsiya qilish maqsadga muvofiqligi isbotlangan: aloy barglarini dastlabki biostimulyatsiya qilish +5-8°C haroratda 10 kun davomida amalga oshirildi, so'ngra barglar 3-5 mm o'lchamdagi zarrachalarga maydalandi. Keyin fermentativ jarayon 24 soat davomida ko'rsatilgan haroratda takrorlandi. Ikkilamchi fermentatsiya oxirida aralashma bir xil massa olinmaguncha va presslashguncha yana ezildi. Olingan sharbat doimiy aralashirilgan holda 25 qism 90% etil spirti va 0,15% natriy metabisulfit qo'shib konservalandi va hosil bo'lgan sharbat filtrlanib, qo'shimcha moddalar va xom ashyo zarralaridan ajratildi.

Natijalar. Aloe o'simligining sharbatini olishning o'zgartirilgan texnologiyasi an'anaviyga nisbatan sharbat hosildorligini 4,9% ga, ekstraktiv moddalar miqdori o'rtacha 9% ga, umumiy antratsen hosilalari miqdori esa 2,1% ga o'sishiga olib keldi. Olingan sharbatning biologik faolligini o'rganish shuni ko'rsatdiki, aloy o'simligi sharbati va fermentlangan aloy sharbati yallig'lanishga qarshi faollikning o'xshash darajasini ko'rsatdi. O'tkir yallig'lanish modelida aloy o'simligi sharbati va fermentlangan aloy sharbatidan foydalanish diklofenakning terapevtik salohiyatiga teng. Bundan tashqari olingan sharbat immunomodulyator ta'sir

ko'rsatadi, organizmning umumiy salomatligiga hissa qo'shadi, ovqat hazm qilishni samarali ravishda yaxshilaydi, kasallikdan keyin zaiflashgan tanaga yordam beradi, ichak faoliyatini normallashtiradi, qonda shakar darajasini tartibga soladi.

Xulosa. Respublikada keng tarqalgan dorivor aloy o'simligidan oqilona foydalangan holda, undan fermentlangan sharbat texnologiyasini ishlab chiqib, uning tarkibidagi faol komponentlari tufayli aholi orasida ko'p uchrayotgan turli xil yallig'lanish kasalliklarida davo bo'lishi, organizmning kasallikdan keyin zaiflashishida immunitetni rag'batlantiruvchi ta'siri o'rganildi.

**IKKILAMCHI IMMUNTANQISLIKLARINI DORIVOR O‘SIMLIKLAR
BILAN MUVOFIQLASHTIRISHNING DOLZARB MUAMMOLARI
RESPUBLIKA ILMYIY-AMALIY KONFERENSIYASI**

	MUNDARIJA	
	СОДЕРЖАНИЕ	
1.	ВЛИЯНИЕ СУХОГО ЭКСТРАКТА TRIBULUS TERRESTRIS L., ПРОИЗРАСТАЮЩЕГО В УЗБЕКИСТАНЕ НА ИММУННЫЙ СТАТУС ПРИ ВТОРИЧНЫХ ИММУНОДЕФИЦИТНЫХ СОСТОЯНИЯХ <i>Б.С.Туляганов, Н.В.Воронина</i>	3
2.	НАРОДНАЯ МЕДИЦИНА АФРИКИ <i>А.Е.Воробьев, А.С.Омониеле, К.А.Воробьев</i>	4-7
3.	ГЕПАТОПРОТЕКТОРНОЕ СВОЙСТВО БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ И ЕЕ МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИЗНАКИ <i>Ж.Т.Мамасаидов</i>	8-15
4.	HARNESSING NATURE'S BOUNTY: HERBS IN BOOSTING IMMUNITY FOR INDIVIDUALS WITH DIABETES <i>G.M.Bektasheva, G.A.Kholmatova</i>	16
5.	ЦЕЛЕБНАЯ СИЛА ТРАВ ПРИ ЛЕЧЕНИИ ТУБЕРКУЛЕЗА <i>А.А.Хушнудбеков, Р.А.Хакимова</i>	17
6.	МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИЗНАКИ ПОЛОЖИТЕЛЬНОГО ВЛИЯНИЯ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ ПРИ ТОКСИЧЕСКОМ ПОРАЖЕНИИ ПЕЧЕНИ В ЭКСПЕРИМЕНТЕ <i>Ж.Т.Мамасаидов</i>	18-26
7.	INNOVATIVE HERBAL APPROACHES: REVOLUTIONIZING DIABETES TREATMENT <i>G.M.Bektasheva, G.A.Kholmatova</i>	27
8.	ARTEMISIA ANNUAL NING (SHUVOQ O'TI) OIV INFEKTSIYASIGA QARSHI TA'SIRI <i>O.Yu. Xolikova</i>	28
9.	TUBERCULOSIS-ASSOCIATED SECONDARY IMMUNODEFICIENCY: UNRAVELING THE INTERPLAY INFECTION <i>A.A.Khushnudbekov, R.A.Khakimova</i>	29
10.	DIABETES-ASSOCIATED SECONDARY IMMUNODEFICIENCY <i>G.M.Bektasheva., G.A.Kholmatova</i>	30
11.	ЗНАЧЕНИЕ РАСТИТЕЛЬНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ В УКРЕПЛЕНИИ ИМУННОГО СТАТУСА <i>Н.Н.Келдиёрова, К.И.Назаров</i>	31
12.	IKKILAMCHI IMMUNTANQISLIK KASALLIKLARIDA DORIVOR O‘SIMLIKLARNING AHAMIYATI <i>G.Musinjonova, R.M.Nazirtashova</i>	32-35
13.	IKKILAMCHI IMMUN TANQISLIK KASALLIKLARINI DIAGNOSTIKA QILISHDA DOLZARB MUAMMOLAR <i>A.I.Hakimova</i>	36
14.	IKKILAMCHI IMMUN TANQISLIGI KASALLIGINI KELTIRIB CHIQARUVCHI OMILLAR <i>S.S.Ergasheva</i>	37

15.	SHAFTOLI O‘SIMLIGINING INSON SALOMATLIGIDAGI MUHIM AHAMIYATI TOGRISIDA <i>Y.X. Nazarova ., X.X.Abdurazzaqov</i>	38-39
16.	ZUBTURUM (BARGIZUB) O‘SIMLIGINING IMMUN TIZIMINI TA‘MINLASHDAGI DORIVORLIK XUSUSIYATI <i>Y.X.Nazarova, A.A.Abdusattorov</i>	40-42
17.	ГЛОБАЛЬНОЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ: ПРОБЛЕМЫ, ИНИЦИАТИВЫ И ВЫЗОВЫ <i>Ё. X.Назарова, X. Г.Сабирова</i>	43-47
18.	IMMUNITETNI MUSTAHKAMLOVCHI SHIFOBAXSH O‘SIMLIKLAR <i>R.M.Nazirtashova</i>	48
19.	EARLY TOXICOSIS IN PREGNANCY <i>S.A.Abdiyeva</i>	49-51
20.	ФАКТОРЫ РИСКА РАЗВИТИЯ РАННЕГО ТОКСИКОЗА У ЖИТЕЛЬНИЦ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ <i>С.Абдиева</i>	52
21.	IMMUNTANQISLIKLARINI OLDINI OLISHDA SOG‘LOM TURMUSH TARZINING AHAMIYATI <i>X.A.Raximova</i>	53-56
22.	ВТОРИЧНЫЕ ИММУНОДЕФИЦИТЫ: КЛИНИКО-ЛАБОРАТОРНАЯ ДИАГНОСТИКА <i>Е.Р.Рузибаева</i>	57-62
23.	ИЗУЧЕНИЕ СОСТОЯНИЯ КОСТНОГО МЕТАБОЛИЗМА И ФОСФОРНО КАЛЬЦИЕВОГО ОБМЕНА ПРИ ЛЕЧЕНИИ АУТОИММУННОГО ТИРЕОИДИТА <i>Ш.А.Холбобоева, X.X.Мамаджанова</i>	63-64
24.	PROPERTIES OF COGNITIVE DISORDERS IN PATIENTS WITH DIABETES TYPE 2 <i>Kh. Kh Mamadjanova, Sh.A.Kholboboyeva</i>	65
25.	ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УСЛОВИЙ ТРУДА ПРИ ОБРАБОТКЕ ФРУКТОВЫХ САДОВ ПЕСТИЦИДАМИ ФОЗАЛОН И БАТОН ЕС <i>Ж.Т.Мамасаидов</i>	66-70
26.	БИОХИМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ОБМЕНА В КРОВИ ПРИ ТОКСИЧЕСКОМ ПОРАЖЕНИИ ПЕЧЕНИ <i>Ж.Т.Мамасаидов</i>	71-76
27.	БАКТЕРИАЛ ИНФЕКЦИЯЛАРНИ АНТИБИОТИКЛАРГА СЕЗГИРЛИГИНИ АНИКЛАШ ВА ИММУНТАНКИСЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ <i>М.Т.Маматкулова, Ф.Ф.Каримжонов, З.К.Мирсолиева</i>	77--82
28.	IKKILAMCHI IMMUNTANQISLIKLARINI OLDINI OLISHNING GIGIYENIK TALABLARI <i>N.G‘ulomova, A.Yusupaliyev</i>	83
29.	IMMUN TURG‘UNLIKNI TAMINLASHDA DORIVOR O‘SIMLIKLARNI AHAMIYATI <i>N.G‘ulomova, A.Abdullaxonov</i>	84
30.	IMMUN TURG‘UNLIKNI TA‘MINLASHDA DORIVOR O‘SIMLIKLARNI AHAMIYATI <i>N.G‘ulomova, Y.Solliyev</i>	85-86

31.	IMMUN TIZIMINI MUSTAHKAMLASH UCHUN TAVSIYA ETILADIGAN DORIVOR O'SIMLIK MAHSULOTLARI <i>N.A.Xasanboyeva, A.Zunnunov</i>	87-88
32.	FITOPREPARATLARNING SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI <i>N.A.Xasanboyeva, A. Alixonov</i>	89-90
33.	ALOY O'SIMLIGIDAN FERMENTLANGAN SHARBAT TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH VA UNING BIOLOGIK FAOLLIGINI O'RGANISH <i>H.G.Abdurazzoqova</i>	91
34.	РАННИЕ ПРИЗНАКИ ВИЧ ИНФЕКЦИИ <i>Н.Н. Дехканова, А.Х. Усмонов</i>	92-93
35.	ВИЧ/СПИД ИММУНОДЕФИЦИТ ПРИОБРЕТЕННЫЙ <i>Н. Дехканова, А.Х. Усмонов</i>	94-95
36.	ГИПЕРТОНИЧЕСКИЕ КРИЗЫ И ГИРУДОТЕРАПИЯ <i>Г.Б.Тилляходжаева</i>	96
37.	ЦЕЛЕБНЫЕ СВОЙСТВА АЙВЫ <i>А.А Джуррабаев .</i>	97-99
38.	ВАЖНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДА ГАЛОТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ С ЗАБОЛЕВАНИЯМИ ДЫХАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ. <i>Ф.О.Холдаралиев</i>	100-101
39.	ИММУН ТУРГУНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР <i>Х.Т.Махмудова</i>	102
40.	IMMUN TURG'UNLIKNI TA'MINLASHDA DORIVOR O'SIMLIKLARNING AHAMIYATI <i>O.Xoldarliyev, M.Qodirxonov</i>	103
41.	ОРГАНИЗМ ИММУН ФАОЛИЯТИНИ ОШИРУВЧИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР <i>Х.Т.Махмудова., М.Р.Саримсокова</i>	104
42.	ИККЛАМЧИ ИММУНТАНКИСЛИГИДА ДАВОЛОВЧИ ЖИСМОНИ ТАРБИЯНИ ЎРНИ <i>М.Х.Каландарова</i>	105
43.	IMMUN TANQISLIGIGA OLIB KELUVCHI OMILLAR <i>Х.Т.Махмудова.,Z.J.Ibragimova</i>	106
44.	ODAM ORGANIZMI HUJAYRAVIY IMMUNITETI. TIZIMI. IMMUN HUJAYRALARGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR <i>Х.М.Дусмуродова., М.В.Маллаева</i>	107
45.	ODAM IMMUN HOLATI VA UNI BAHOLASHNING LABORATOR USULLARI <i>М.А.Давранова., М.В.Маллаева., В.Ж.Рахимова</i>	108-109
46.	IMMUN TURG'UNLIKNI TA'MINLASHDA DORIVOR MAVRAK (SALVIA OFFICINALIS L.) O'SIMLIGI AHAMIYATI <i>F.B.Umarov., B.E.To'xtarov</i>	110
47.	O'RVİ KASALLIGIDA INFEKSIYAGA QARSHI PROFILAKTIK CHORA-TADBIRLAR <i>B.F.Mahammadiyev, F.Ch.Ibragimova, N.I.Mamarasulova</i>	111-112
48.	ALOY O'SIMLIGIDAN FERMENTLANGAN SHARBAT TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH VA UNING BIOLOGIK FAOLLIGINI O'RGANISH <i>H.G.Abdurazzoqova</i>	113-114

